


Дориларни Қандай Ўлчаш ва Бериш Керак

8
БОБ

БЕЛГИЛАР

= (бараварлик) белгиси
бараварликни ёки тенгликни
англатади

+ (плюс ёки қўшиш) белгиси **ва** ёки
қўшиш кераклигини англатади




$$1 + 1 = 2$$

бир плюс бир бўлади икки

1 таблетка = 1 бутун таблеткадир =

1/2 таблетка = ярим таблеткадир

1 1/2 таблетка = бир ярим таблеткадир =



1/4 таблетка = бутун таблетканинг бир чорагидир =

1/8 таблетка = таблеткани саккизга бўлиниши,
яъни, таблетканинг нимчораги



ЎЛЧАШ

Дорилар одатда грамм (г.) ёки миллиграммм (мг.) лар билан ўлчанади.
1000 мг. = 1 г. (бир минг миллиграммм бир граммга тенг).
1 мг. = 0,001 г. (бир миллиграмм граммнинг мингдан бир қисми).

Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Мисол:		Катталар учун битта аспирин таблеткасида 500 миллиграмм аспирин бор.	0,5 г. 0,500 г. 500 мг.	Буларнинг ҳаммаси 500 миллиграмм- нинг турли хил номланиши
		Битта ёш болалар учун аспирин таблеткасида 250 миллиграмм аспирин бор.	0,250 г. 250,0 мг. 250 мг.	

Албатта, дорининг неча грамм ёки миллиграмм эканлигини билиш зарур. Бу маълумот дориларнинг қоғозларида ёки кутиларида юқоридаги тарзда ёзилган бўлади.

Масалан: агар сиз болага болалар аспириининг ўрнига катталар аспириининг кичик қисмини бермоқчи бўлсангиз, аммо уни қанча миқдорда беришни билмасангиз...

Хар бир дорининг ёрлиғида ёзилган кичик ҳарфларни ўқинг. Унда ёзилишича:
аспирин: ацетилсалицил кислотаси 0.5 г.
(ацетилсалицил кислотаси = аспирин).



75 mg.		4	болалар аспиринини бирлаштирангиз	250 мг.	1 оддий аспирин
75 mg.					
75 mg.					
75 mg.					
300 mg.		1	катталар аспирини келиб чиқади	Агар сиз катталар аспиринини 4 та тенг бўлакка бўлсангиз, ҳар бир чорак - битта болалар аспиринига яқин бўлади.	


Шундай қилиб, агар сиз катталар аспириинини 4 қисмга бўлсангиз, сиз болага болалар аспирини ўрнига унинг 1 қисмини беришингиз мумкин.

Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013


ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: Кўп дорилар, айниқса, антибиотиклар турли вазн ва ўлчамда бўлади. Масалан тетрациклин Е турдаги капсулаларда ишлаб чиқарилади.



250 мг.



100 мг.



50 мг

Дорини фақат айтилган миқдорда беришга ҳушёр бўлинг.
Дори неча грамм ёки миллиграмм эканлигини текшириш жуда муҳимdir.

Масалан: агар сизга **250** мг ли тетрациклин капсулаларидан **4** маҳал ичинг дейилган, лекин сизда **50** мг ли капсулалардан бўлса, сиз ҳар сафар **50** мг ли капсулалардан бештасини **4** маҳал ичишингиз керак (бир кунда **20** капсула).

$$50 \text{ мг.} + 50 \text{ мг.} + 50\text{мг.} + 50 \text{ мг.} = 250 \text{ мг.}$$



Пенициллинни Ўлчаш

Пенициллин одатда бирлик (единитса)ларда ўлчанади.

ЕД. = таъсир бирлиги (Т.Б) 1,600,0

ЕД. (ТБ) = 1г. ёки 1000 мг.

Пенициллин (таблетка ёки уколи) кўпинча 400,000 ЕД. (ТБ) билан ифодаланади.

400,0 ЕД. = 250 мг.

СУЮҚ ДОРИЛАР

Шарбат, суспензия, суюқ аралашмалар ва суюқ дорилар миллилитрлар билан ўлчанади.

мл. = миллилитр


1 литр = 1000 миллилитр

Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Кўпинча суюқ дорилар ош қошиқ ёки чой қошиқларда тавсия этилади:

1 чой қошиқ (чк.) = 5мл.

1 ош қошиқ (ошк.) = 15мл.





Агар дорининг тавсиясида 1чой қошиқ ичинг деса, бу 5 мл. дегани.

Кўп чой қошиқлар 8 мл. дан 3 мл. гача бўлиши мумкин. Чой қошиқни дори бериш учун ишлатадигизда, унинг ҳажми 5 мл. бўлиши муҳим— кичик ҳам, катта ҳам эмас.


Дори учун ишлатилаётган чой қошиқнинг 5 мл. ли эканлигини қандай қилиб текшириш мумкин.

1. 5 мл.ли чой қошиқ сотиб олинг ёки



2. Пластмасса қошиғи бор дори сотиб олинг. Ундан тўла ҳажми 5мл, ярим ҳажми 2,5 мл келишини кўрсатувчи чизиги бўлиши мумкин. Бу қошиқни сақлаб қўйинг ва бошқа дориларни ўлчаш учун ишлатишингиз мумкин.

3. Уйингиздаги кичик қошиқни шприц ёки бошқа ўлчов асбоби ёрдамида 5 мл сув билан тўлдиринг ва суюқлик чегарасини қошиғингизда белгилаб қўйинг.



ЁШ БОЛАЛАРГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ДОРИ БЕРИШ КЕРАК

Таблетка ёки капсулалар ҳолида бўладиган дориларнинг кўпи болалар учун сироп ёки суспензия (максус суюқлик) сифатида ишлаб чиқарилади. Сироплар таблеткалар ёки капсулаларга нисбатан қимматроқ. Пулингизни тежаш мақсадида, сиз сиропни ўзингиз қуидаги йўл билан тайёрлашингиз мумкин:


Таблеткани яхшилаб майдаланг




шакар ёки асал

қайнатиб
совутилган сув

ёки капсулани очинг.



ва куқунни қайнаган
сув(совутилган)
билин аралаштиринг
ва шакар ёки асал
қўшинг.



Болалар учун таблетка ёки капсулалардан сироп тайёрлаётганда, жуда кўп дори қўшиб юбормасликка эътибор

Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

беринг. Шунингдек, 1 ёшга кирмаган болаларга асал берманг. Бу камдан кам бўлса ҳам, баъзи болаларга ёмон таъсир кўрсатади.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ: Бола чалқанча ётганда унга дори берманг, дори тиқилиб қолиши мумкин. Бола ўтирган ёки боши кўтарилиган ҳолатда бўлсин. Ҳеч қачон бола қалтираётганда (тутқаноқ), ухлаётганда ёки ҳушсиз бўлганида дори берманг.

**АГАР БОЛАЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ДОРИ МИҚДОРИНИ
БИЛМАСАНГИЗ, БОЛАГА ҚАНЧА ДОРИ БЕРИШ КЕРАКЛИГИНИ
ҚАНДАЙ БИЛИШ МУМКИН?**

Умуман, бола қанчалик ёш бўлса, унга шунчалик оз дори керак. Дорини керагидан кўпроқ бериш хавфли бўлиши мумкин. Агар сизда болалар дорилари миқдорининг қўлланмаси бўлса, унга доим риоя қилинг. Агар сиз миқдорни билмасангиз, бола вазни ёки ёшига қараб ҳисоблаб олинг. Болаларга катталар миқдорининг қўйидаги қисмлари берилиши керак:

Катталар: 1 миқдор Болалар:

8дан 13 ёшгача: 1/2



60 кило



30 кило

миқдор
Болалар: 4 дан 7
ёшгача 1/4 миқдор



15 кило

Болалар:
1 дан 3 ёшгача 1/8
миқдор




8 кило

Бир ёшга тўлмаган
болага дорининг
миқдорини билиш
учун шифокор билан
маслаҳатлашинг



5 кило

ДОРИНИ ҚАНДАЙ ҚАБУЛ ҚИЛИШ КЕРАК



Умуман, дорини айтилган вақтда қабул қилиш муҳимдир. Баъзи дорилар бир кунда бир марта, қолганлари кўпроқ қабул қилиниши керак. Агар тавсияда „1 тадан ҳар 8 соатда” дейилган бўлса, 3 маҳал ичинг: эрталаб битта, пешинда битта, кечки пайт(ётишдан аввал) битта. Агар „1 тадан ҳар 6 соатда” дейилган бўлса, 4 маҳал ичинг: эрталаб, пешинда, аср (соат 4,5 лар)да ва кечки пайт биттадан ичинг. Агар „1 тадан ҳар 4соатда” деса, 6 маҳал ичинг: дорилар қабул қилиш орасида бир хил вақт ўтказинг.

АГАР СИЗ БИРОР КИШИГА ДОРИ БЕРАЁТГАН БЎЛСАНГИЗ

„Доим қуйидаги маълумотларни дори тагига ёзиб беринг, бемор ўқишни билмаса ҳам, эслатмага тўла ёзиб қўйинг:

- одамнинг исми
- дорининг номи
- у нима сабабдан қабул қилингани
- миқдори

Исми:	Пўлатов Эргашбой
Дори:	Мебендазол (вермокс) 100 мгли
таб.	
Нимага:	Гижжа (Қурт)
Миқдор:	1 та таблеткадан кунига 2 маҳал, 3 кун

ДОРИЛАРНИ ОЧ ЁКИ ТЎҚ ҚОРИНГА ИЧИШ ЮЗАСИДАН КЎРСАТМАЛАР

Баъзи дорилар оч қоринга ичилганда яхши фойда беради - бу овқатдан 1 соат олдин деганидир.

Бошқа дорилар эса овқат билан ёки овқатдан сўнг ичилганда қоринни оғритмайди ёки жиғилдонни қайнатмайди (зарда қилмайди).

Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Ушбу дориларни овқатдан 1 соат олдин ичинг:

- Пенициллин
- Ампициллин
- тетрациклин
- темир моддали таблеткалар

Тетрациклин ичишдан 1 соат олдин ва кейин сут ичмаган маъқул.

Ушбу дориларни овқат билан ёки овқатдан кейин дарҳол ичинг (кўп сув билан):

- аспирин ёки таркибида аспирини бор дорилар
- витаминлар
- эритромицин

Антацид дориларни оч қоринга, овқатдан 1 ёки 2 соат кейин ва ётиш олдидан ичган маъқул.



Эслатма: Дориларни туриб ёки ўтириб ичган яхши. Шунингдек, ҳар сафар дори ичганингизда уни бир катта пиёлада сув билан ичишга ҳаракат қилинг. Агар сиз сульфаниламид дориларни ичаётган бўлсангиз, буйракка ёмон таъсир қиласлиги учун **уларни кўп сув билан ичиш** муҳим. Бир кунда камида **2** литр сув ичинг.

Ўқишга қийналадиган
беморларга қуидаги
суратли эслатмани
беришингиз мумкин

Кутичаларга эса дорининг
миқдорини чизиб беринг
ва эҳтиёткорлик билан
тушунтириб беринг



Масалан:

Кунига 4 маҳал 1та таблеткадан
қабул қилиш керак.
1 таблетка эрталаб, 1 таблетка
кундузи, 1 таблетка кечқурун, 1
таблетка кечаси



Ҳаммабоп Тиббиёт Қўлланмаси 2013

Кунига 4 маҳал ярим таблетка Кунига 3 маҳал 1тадан капсула



Кунига 2 маҳал чорак таблетка Кунига 2 чой қошиқдан 2 маҳал

